



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ҲАТАРЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Қўзибоев Нодирбек Неъматжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши магистранти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7845725>

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2023

Accepted: 18th April 2023

Online: 19th April 2023

KEY WORDS

Коррупциявий хавф-ҳатарлар, эҳтиёт чоралари, лавозимдан четлаштириш, манфаатлар тўқнашуви, эҳтиёт чораси, ярашув институти.

ABSTRACT

Мазкур мақолада дастлабки тергов органларида коррупциявий хавф-ҳатарларни олдини олиш ҳақида суз юритилган.

Бинобарин, дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан содир этилаёткан коррупциявий жиноятлар, бошқа ҳар қандай салбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса каби, маълум бир сабабларга кўра юзага келади ва ушбу сабаблар унинг пайдо бўлиши ва ривожланишига шароит яратиб беради. Соҳа вакиллари ўртасидаги коррупциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, у бошқа соҳалардаги коррупцияга қараганда кўпроқ ижтимоий хавфли бўлиб, бошқа соҳалар ходимлари томонидан содир этилган жиноятларни латентлигига олиб келади.

Ҳар бир соҳада коррупциявий хавф-ҳатарлар бўлганлиги боис, дастлабки тергов органлари фаолияти давомида бўлиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-ҳатарларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тергов ҳаракати олиб борувчи ваколатли органнинг тергов жараёнидаги шахсий манфаати жиноят процессида шаффофлик ва ҳалоллик билан дастлабки тергов ҳаракатини олиб боришга тўсқинлик қилиши оқибатида ушбу органларнинг обрўсига халқ орасида путур етказилади. Шунингдек, дастлабки тергов органлари ходимларининг фаолиятини тартибга солувчи баъзи кодекс, қонун ва буйруқлар ноаниқ ёзилганлиги ҳамда иккиламчи характерга эга эканлиги, яъни ҳуқуқни қўлловчи томонидан ушбу нормани қўллаш ёки қўлламаслик унинг ўзини ихтиёрига берилиши оқибатида соҳада коррупциявий жиноятлар пайдо бўлиши хавфини оширади. Айниқса, жиноят процесси давомида терговчиларга берилган улкан ваколатлар шу билан бирга императив нормалар, уларда касбига нисбатан хиёнат пайдо бўлиши мумкин.

Тергов органлари ўз фаолиятини “жамоатчилик”дан пана жойда, яъни иш жойида (шахсий кабинетларида) ўтқазishi ҳамда уларга берилган юрисдикцион ваколатлар,



жумладан дастлаб қонуний жиҳатдан суд жараёнида (мажлисида) олинган далилларга тенг бўлган ҳуқуқий кучга эга далилларни тергов жараёнида тўплаш, шунингдек ҳуқуқий аҳамияти жиҳатидан суд ҳужжатларига тенглаштирилган бир қатор ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг қабул қилиш каби ваколатлар берилган.

Бошқа сўзлар билан айтганда, мамлакатимизда дастлабки тергов органларига ҳуқуқий оқибатларга эга бўлган бир қатор масалаларни ҳал этиш ваколатлари берилган. Дастлабки тергов жинойт ишини қўзғатишдан бошланиб судгача бўлган процесда яқунланишини инобатга олган ҳолда мавжуд бўлган коррупциявий ҳавф-хатарларни дастлабки тергов босқичларига биноан таҳлил қиламиз.

Жинойт процессида бундай ҳавфлардан бири дастлабки тергов ўтказишга ваколатига эга бўлган органларнинг ўз манфаати йўлида жиноий иш қўзғатиш ва уни олиб бориш киради. Хусусан, терговчилар (баъзи ҳолларда тергов органлари раҳбарлари ёки ўз навбатида прокурорларнинг розилиги билан) жинойт ишларини қўзғатиш, рад қилиш ҳуқуқи; реабилитация қилинмайдиган асосларда (томонларнинг ўзаро ярашуви ва айбланувчи чин қўнгилдан пушаймонлиги билан боғлиқ) жинойт ишларини тугатиш, судга жарима ёки бошқа турдаги муҳим аҳамиятга эга бўлган материаллар ва қарорларни юбориши коррупциявий ҳавф-хатарларни келтириб чиқаради.¹ Дастлабки тергов органлари терговига тегишли бўлган бир қатор Жинойт кодексида белгиланган жинойтларда(қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ва бошқалар) жабирланувчи бўлмаслиги боис, жиноий ишни қўзғатиш шахсан терговчиларни қўлида эканлиги, пора эвазига содир этилган жинойтни рўйхатга олмаслик ва жинойт иши қўзғатмасдан унга нисбаттан “безътиборлик” қилиш билан яқунланиши мумкин.

Шу ўринда, айбланувчи ёки гумонланувчига нисбаттан эҳтиёт чораларини қўллаш ҳам коррупциявий ҳавф-хатарларга эга жараён ҳисобланади. Назаримизда, айнан тергов органларига эҳтиёт чораларини қўллаш дискрецион ваколати берилганлиги ушбу соҳада коррупциявий ҳавф-хатарлар келиб чиқишига мумкин бўлган энг асосий омилдир. Фикримизни мустаҳкамлаш мақсадида юридик адабиётларда таъкидланган жумлани келтириб ўтамиз: “Фуқарога чекловлар белгиладиган ёки қўядиган ҳар қандай нормалар коррупцияга олиб келиши мумкин... коррупциоген нормалар муқаррар равишда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этади”²

К.В.Прониннинг фикрига кўра, “ ўз хизмат вазифаларида назарда тутилган ёки улар томонидан тақиқланган ҳар қандай ҳолатда, қонуний дискрецион ваколатларга таяниб тегишли асосларсиз фойдаланиш ҳисобига маълум бир моддий наф олиш коррупция ҳисобланади.”³ Демак, терговчилар томонидан манфаат эвазига айбланувчига нисбаттан маълум бир эҳтиёт чорасини қўллаши шак шубҳасиз

¹ Предупреждение коррупционных рисков в уголовном судопроизводстве С.Б. Россинский, Е.В. Рябцева. Институт государства и права Российской академии наук, г. Москва, Российская Федерация

² Психологоакмеологические технологии противодействия коррупции в системе государственной службы: учебное пособие / под общ. ред. А.А. Деркача. М., 2010. С. 12.

³ Пронин К.В. Дискреционные полномочия суда в уголовном судопроизводстве: монография. М., 2011.



коррупцияни англатади. Мисол тариқасида судгача бўлган процессдан аксарият эҳтиёт чораларини(қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш бундан мустасно) тайинланишида тергов ёки суруштирув органи томонидан мустақил қарор қабул қилиниши айрим салбий мақсадларни кўзлаб амалга ошириш учун воситага айланиши мумкин. Тергов давомида эҳтиёт чораларини қўллаш бўйича бундай муқобил хусусият барча дастлабки тергов органлар ваколатида ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, Жиноят процессуал кодексининг 237-моддасида эҳтиёт чораларининг турлари кўрсатилган бўлиб, уларни қўллаш масаласи борасида суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд Жиноят процессуал кодексининг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши кўрсатилган. Демак, баъзи ҳолларда гумонланувчи ёки айбланувчига нисбатан терговчи томонидан енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаши асоси сифатида 238-моддада кўрсатилган ҳолатлар қаторида “бошқа” ҳолатлар ҳам важ қилиниши коррупциявий ҳавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин.

Агар шахс томонидан маълум бир жиноят содир этилиб ва унга нисбатан терговчида қамоққа олиш ёки уй қамоғи каби эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича судга илтимоснома юборишга асос бўлсада, ЖПКда белгиланган ваколатларига асосланиб муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат ёки бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўлланиши терговчининг ўз шахсий манфаати йўлида ишлаши мумкин. Суд эса терговчи томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича илтимоснома келиб тушмаса ёки жабрланувчи томонидан эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят берилмаса вазиятга аралашмайди.

Демак, маълум бир манфаат эвазига айбланувчи ёки гумонланувчига нисбатан дастлабки тергов органи томонидан енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш оқибатида, айбланувчи ёки гумонланувчи озодликда бўлиб жиноят изларини яширишга ва жабрланувчини пора эвазига оғдиришга ёки унга турли ҳил босимлар ўтказиб аризасини қайтариб олишига мажбурлаши мумкин. Ушбу салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида жиноят иши қўзғатилганидан сўнг, эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича ваколат тергов органларидан олиниб, мавжуд бўлган далилларга асосланиб тўғридан тўғри суд томонидан қабул қилиниши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 251-моддасига мувофиқ шахсий кафиллик эҳтиёт чорасини қўллаш мобайнида шахсий кафиллар бўлувчи шахслар деб дастлабки тергов органи “ишончига сазовор” бўлган шахслар белгиланиши кўрсатилган. Ушбу субъектлар сифатида, агар у алоҳида ишончга лойиқ бўлса, битта кафил етарли деб ҳисобланиши мумкин.

Юқоридаги ушбу икки таърифларда фарқларни аниқлаш мезонлари мавжуд емас. Яъни, юксак ишончга сазовор бўлган шахсни таърифини терговчилар турли ҳил талқин қилиш ҳуқуқига эга. Дастлабки тергов органлари фаолияти давомида ЖПКнинг 255-моддасига биноан айбланувчи ёки гумонланувчини лавозимдан четлаштириш бўйича судга илтимоснома билан чиқиши, ёки аксинча ҳаракатни амалга ошириши, дастлабки тергов органи томонидан ваколатини суиистеъмом қилиш эҳтимоли яратиши мумкин.



Афсуски, амалиёт шуни кўрсатадики, айбланувчи сифатида ўз лавозимини суистеъмол қилган шахслар кўпинча уларни лавозимидан четлаштириш учун тегишли чораларни кўрмасликнинг "қонуний" имкониятини ҳисобга олган ҳолда ўз лавозимларида қолишга интиладилар.

Жиноят процесси давомида гумонланувчи, айбланувчи ва терговчи ўртасида ўзаро муносабат ёки таниш билишчилик бўлиши мумкинлиги амалиётда содир бўлаётган ҳолатдир.

Жиноят процесси давомида дастлабки тергов объектив тарзда ўтказилиши учун процесс иштирокчилари томонидан монелик қиладиган ҳолатларни олдини олиш мақсадида ЖПКда алоҳида нормалар киритилган.

Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият⁴ ҳисобланади. Бироқ Жиноят процессуал кодексида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тушунча йўқлиги, ушбу кодексдаги бўшлиқ деб қараймиз.

ЖПКнинг 76-моддасида судьянинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг ва суд мажлиси котибининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. Ва ушбу моддада дастлабки тергов мобайнида терговчи ва гумонланувчи ёки айбланувчи ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келишини олдини олиш мақсадида дастлабки терговни амалга ошираётган шахс, яъни терговчига ЖПКнинг 76-моддасида белгиланган ҳолатларда раддия бериш мажбурияти юклатилган. Аммо ушбу моддада ёки ЖПКнинг бошқа нормаларида *тергов гуруҳи бошлиғи* белгиланган тарздан раддия бериш мажбурияти кўрсатилмаганлигини англаш қийин эмас. Жиноят процессида тергов гуруҳи бошлиғида ЖПКнинг 37-моддасига мувофиқ тўлақонли терговчида бўлган ваколатлар мавжудлиги, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб бериш, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга⁵ ҳақлилиги белгиланган. Шу билан бирга ушбу мансабдор шахсда тергов жараёни ва унинг натижаларига бевосита таъсир ўтказиш ваколати эга.

Бироқ тергов гуруҳи раҳбари томонидан жиноят иши бўйича раддия беришга асос мавжуд бўлганлигига қарамай ЖПКнинг 76-моддасида тергов гуруҳи раҳбари кўрсатилмаганлиги жиноят процессуал кодексидаги камчилик деб ҳисоблаймиз.

Жиноят процесси давомида ярашув институти ўзига хос ўринга эга бўлиб, ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг [661-моддасида](#) назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин. Суриштирув,

⁴ Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни Тошкент ш., 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал Кодекси 15.03.2023 г., 37-модда (№ 03/23/823/0150)



дастлабки тергов ва суд жараёнида жабирланувчи томонидан қонунга мувофиқ тарзда ярашув тўғрисидаги ариза бериши мумкин.

Бир томондан, ушбу норманинг қоидалари жиноий ҳуқуқдаги инсонпарварлик тамойилини ифодаланишига ёрдам беради ва жамиятнинг ҳаддан ташқари криминаллашувини олдини олади. Бошқа томондан эса, ярашув институти коррупциявий ҳавф-ҳатарлар учун маълум бир имкониятларни яратади. Хусусан, ушбу қоида айбланувчи шахсларга жиноий жавобгарликдан озод этилиши учун асосий “қонуний йўл” бўлганлиги боис, жиноят содир эткан шахслар ўз мақсадларига эришиш мақсадида коррупцион келишувга интилишади.

Шу билан бирга, ярашув жараёнини бажарилиши мажбурий тусга эга эмаслиги ва тегишли қарорни қабул қилиш прокурор ёки терговчининг ички “ишончига” таяниши, яъни субъектив характерга эга эканлиги, аксарият айбланувчи шахсларнинг ҳуқуқий онги пастлиги ёки беҳабарлиги натижасида, терговчилар учун коррупциявий тўловларга шароит яратишга имкон беради. Шунингдек, терговчи томонидан маълум бир манфаат эвазига ярашув институтини қўллаш учун шароит яратиш мақсадида содир этилган қилмишнинг жиноий ҳуқуқий квалификациясини оғирроқ жиноятдан енгилроқ жиноятга ўзгартиришга бўлган уринишлар коррупциявий ҳавф-ҳатарни намоён этади. Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз жоизки, жиноят процесси давомида коррупцияга қарши курашиш борасида дастлабки терговни олиб борувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларининг коррупцияга қарши стандартлари каби ижтимоий муносабатларни тартибга солиш алоҳида ўрин тутди ва уларнинг таркибий қисмлари сифатида превентив кўринишдаги тақиқлар, чекловлар ва кафолатлани таъминлаб бериш зарур. Маълум бир стандартларнинг бузилиши коррупциявий ҳавф-ҳатарларни келтириб чиқариши натижасида, ҳуқуқни қўлловчида коррупциявий бузуқ ҳулқ-атвор пайдо бўлишида шароит яратиб беради. Суд томонидан дастлабки тергов мобайнида терговчида бўлган қонуний дискрецион (ихтиёрий) ваколатлардан фойдаланиши давомида процессуал қарорларни қабул қилишнинг қонунийлиги устидан назорати тергов органларидаги коррупцияга қарши курашнинг самарали механизмидир.

References:

1. Предупреждение коррупционных рисков в уголовном судопроизводстве С.Б. Россинский, Е.В. Рябцева. Институт государства и права Российской академии наук, г. Москва, Российская Федерация
2. Психологоакмеологические технологии противодействия коррупции в системе государственной службы: учебное пособие / под общ. ред. А.А. Деркача. М., 2010. С. 12.
3. Пронин К.В. Дискреционные полномочия суда в уголовном судопроизводстве: монография. М., 2011
4. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни Тошкент ш., 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал Кодекси 15.03.2023 г., (№ 03/23/823/0150)
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 28.03.2023 й., 03/23/826/0172-сон